ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Нейтрал туз пуркагичини (НТП) синаш

(GMW 3286, MOD)


Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Испытания распылителя нейтральной соли (РНС).

(GMW 3286, MOD)

Издание официальное



Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Нейтрал туз пуркагичини (НТП) синаш

(GMW 3286,MOD)

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги

Тошкент

Сўз боши

1 Ишлаб чиқилган ва киритилган: "Uz-Koram Kompani" МЧЖ

2 Тасдиқланган ва жорий этилган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2015 йил «02» 03 даги «05-628» сонли қарори.

3 Ушбу стандарт GMW 3286 « Нейтрал туз пуркагичини (НТП) синаш » техник стандартининг модификация қилинган нусхаси.

4 ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ

Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида эълон қилинади.

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлоқ ҳуқуқига эга.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Нейтрал туз пуркагичини (НТП) синаш

Испытания распылителя нейтральной соли (РНС).

Neutral Salt Spray (NSS) Test

(GMW 3286, MOD)

Киритилиш санаси: 09.03.2015

O'ZSTANDART AGENTLIGI
5509 son bilan
«02» 03 2015 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

1 Қўлланилиш соҳаси Мазкур стандарт нейтрал туз пуркагичини (НТП) синаш ўтказилганда синов жиҳозлари ва синов учун намунага бўлган талабларни белгилайди. Камера иши ва синов тартиби O'zDSt ISO 9227 га асосланган. O'zDSt ISO 9227 талабларига аниқлашлар қуйида келтирилган.

Нейтрал туз пуркагичини (НТП) синаш металл тагликларнинг коррозиявий чидамлилигини ва қопламаларнинг консервация хусусиятларини баҳолаш учун қўлланилади.

Нейтрал туз пуркагичини (НТП) синаш фойдаланиш тавсифларини ўхшатиш учун эмас, балки технологик жараён созланишларини баҳолаш ва сифатини назорат қилиш учун қўлланилади.

Изоҳ: мазкур стандартнинг ҳеч қайси қоидаси, қўлланаётган қонун ва меъёрларни бекор қилмайди.

2 Ҳаволалар

O'zDSt ISO 9227:2015 Сунъий муҳитларда коррозияли синовлар – Тузли туманда синаш

3 Манбалар

3.1 Воситалар. Лаборатория (назорат қилинадиган ташқи шароитлари билан афзал ҳисобланади).

3.2 Жиҳозлар.

3.2.1 Синов камераси. Аппарат сунъий иқлимли, сув бериладиган ва O'zDSt ISO 9227 талабларига, намлаш ва камерани иситиш талабларига жавоб берадиган камерадан иборат бўлиши керак, атроф муҳитнинг қуйидаги шароитларини таъминловчи зарур назорат имкониятлари мавжуд бўлиши керак:

3.2.1.1 Камера ҳарорати: 35 плюс/минус 2°C (95 плюс/минус 3°F).

3.2.1.2 Намлиги ~ 100% нисбий намлик (НН).

3.2.1.3 Ректификация устуни / намланиш ҳарорати: белгиланган иш шароитларига мувофиқ созланиши мумкин.

3.2.1.4 Ректификация устуни / намланиш босими: белгиланган иш шароитларига мувофиқ созланиши мумкин.

Изоҳ: *синов учун қўлланилиши мумкин бўлган камера дизайнини O'zDSt ISO 9227, блок-схема учун иловани қаранг.*

3.2.2 Туман/сувни йиғиш. Йиғиш учун мос асбоблар ўзига йиғиш учун идишга ўрнатилган узангли шиша ёки пластмасса воронкаларни олишади. Диаметри 10 cm ли воронкалар майдони 80 cm^2 га яқин.

3.2.2.1 Туман йиғиш учун камида 2 та тоза коллектор таъсир кўрсатиш майдонида жойлаштирилган бўлиши керак, синов учун намуналардан эритма томчилари ёки бошқа исталган юза қатлами манбасидан эритма томчилари тўпланмаслиги керак.

3.2.2.2 Коллекторлар синов учун намуналарга яқин жойлаштирилиши керак.

3.2.2.3 Горизонтал йиғиш учун ҳар бир 80 cm^2 майдон учун йиғиш даражаси ҳар бир коллекторда 1.0 дан 2.0 mL/h гача бўлиши керак. Синов учун намунага таъсир ўтказиш майдони кўрсатилган йиғиш даражаси мослигига асосан ўрнатилиши керак.

3.2.2.4 Йиғилган эритманинг pH 25 плюс/минус 3°C ҳароратда ўлчаганда 6.5 дан 7.2 гача оралиғида бўлиши керак. pH даражаси хлорли водород кислота ёки натрий гидроксиди ёки натрий бикарбонати эритмаси қўшилиши йўли билан созланиши мумкин.

3.2.2.5 Йиғилган эритманинг солиштирма зичлиги 25 плюс/минус 3°C ҳароратда ўлчаганда 1.025 дан 1.040 гача бўлиши керак.

Изоҳ: Синов камераси кўрсаткичлари, йиғиш даражалари, pH ва солиштирма зичлик нормал иш вақтида кундалик асосда созланиши керак ва қайд этилиши керак (дам олиш кунларидан ташқари).

3.3 Синов учун автомобиль/синов учун намуна. Қўлланилмайди.

3.4 Синов вақти. Стандарт:

Календарь вақти:	1 кундан 42 кунгача
Синов вақти:	24 соатдан 1000 соатгача
Келишиш вақти:	1 соатдан 4 соатгача

4 Жараён

4.1 Тайёргарлик.

4.1.1 Синов учун эритмани тайёрлаш. Оғирлиги бўйича фоизда (%) туз эритмаси қуйида кўрсатилганидай тайёрланиши керак:

- Натрий Хлорид (NaCl): 5%.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

Изоҳ: *Кимёвий тоза ёки озиқ-овқат натрий хлориди қўлланилиши мумкин. Натрий хлорид тозалиги O'zDSt ISO 9227 талабларига жавоб бериши керак. Сув O'zDSt ISO 9227 талабларига жавоб бериши керак.*

4.1.2 Намунани тайёрлаш.

4.1.2.1 Намуналар тегишли равишда таъсир кўрсатишдан аввал зарурият мавжудлигида тозаланиши керак. Тозалаш усули юза ва ифлосланиш турига қараб, қўшимча бўлиши керак. Тозалаш ўзига абразив моддалардан фойдаланишни ёки эритувчиларни қўллашни олмаслиги керак, улар синов юзасига салбий таъсир кўрсатишлари мумкин.

4.1.2.2 Синов учун намунанинг кесилган четлари, орқа қисмлари ва бошқа нуқсонлари синовчи-муҳандис белгилагандай, ёки синовчи-муҳандис ва буюртмачи ўртасида келишилган усулда синов ўтказишдан аввал қопланган ва тегишли равишда ҳимояланган бўлиши керак.

4.1.2.3. Синов учун намуналар асосан синов камерасида шундай жойлаштирилиши керакки, асосий синов юзасига туз тумани вертикал ҳолатдан тахминан 15° дан 30° гача қияликда таъсир кўрсатиши керак. Синовчи-муҳандис ва буюртмачи ўртасида келишилган бўлса, синов учун намуналар бошқача ўрнатилиши мумкин.

4.1.3. Камерани тайёрлаш. Синов бошланишидан аввал туз эритмаси ва синов камераси иш шароитлари камида 16 h аввал ўрнатилган бўлиши керак.

4.2 Шароитлар

4.2.1. Ташқи муҳит шароитлари. 3.2 -бандни қаранг.

4.2.2. Синов шартлари. Мазкур стандарт шартларидан оғишлар аввалдан келишилган бўлиши керак. Мазкур талаб қисмлар чизмалари, синов тўғрисида сертификатлар, ҳисоботлар ва ҳоказода кўрсатилган бўлиши керак.

4.3 Йўриқномалар.

4.3.1. Камера иши. Маълум синов босқичлар учун камера иши узлуксиз бўлиши керак. "Узлуксиз" синов ҳар кунги туз туманини йиғиш учун, созлаш, синов учун янги намуналарни қўшиш ёки уларни олиш ёки камера учун зарур техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун тўхтатишларни истисно қиладиган узлуксиз иш ҳисобланади. Тўхтатишлар 24 h ичида учтадан ортмаслиги керак ва имконият бўлса, ўн дақиқадан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3.1.1 Камеранинг ҳар кунги иши.

- Камера ҳарорати каби камеранинг зарур кўрсаткичларини қайд этинг.
- Камерани хавфсиз иш ва техник хизмат кўрсатиш амалиётидан фойдаланган ҳолда ечиш.
- Камера ечилганидан сўнг, камерани очиш мумкин.
- Эритмани ҳар бир ўлчов цилиндрига йиғинг.
- Заруратга қараб, намуналар қўшинг ёки олиб ташланг. Намуналар эритмани йиғиш даражасига тегишли таснифларда тасдиқланган жойларда жойлаштирилиши керак.
- Камерани қайта ишга туширинг.
- Йиғилган эритма техник таснифларга мос келишига ишонч ҳосил қилинг.
- Эритма кўрсаткичларини қайд этинг ва тегишли равишда созланг.

4.3.2. Синов давомийлиги. Синов давомийлиги маҳсулот ёки материалнинг қўлланиладиган техник тавсифномасига мос бўлиши керак ёки буюртмачи ва синовчи-муҳандис ўртасида келишилган бўлиши керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH V.
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSH BARMAS

5 Маълумотлар.

5.1 Натижаларни шарҳлаш: Баҳолаш (синовдан аввал ва синовдан сўнг), рейтинг-усул ва мослик мезони техник ҳужжатларда белгиланган бўлиши керак, унинг таркибига материал таснифлари, транспорт воситанинг техник тавсифлари, компонентларнинг техник тавсифлари ва деталлар чизмалари киради.

5.2 Синов бўйича ҳужжатлар.

5.2.1 Синов жиҳозлари.

5.2.1.1 Камеранинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳар куни қайд этилиши керак (дам олиш кунларидан ташқари):

- Камера ҳарорати
- Қалпоқли устун ҳарорати
- Қалпоқли устун босими

5.2.2. Назорат эритмаси. Қуйидаги маълумот ҳар куни қайд этилиши керак ва сўров бўйича тақдим этилиши керак:

5.2.2.1 Синов эритмасининг ҳар бир партиясининг дастлабки pH даражаси.

5.2.2.2 Синов эритмасининг ҳар бир партиясининг дастлабки солиштирма зичлиги.

5.2.2.3 Йиғилган эритманинг қуйидаги кўрсаткичлари ҳар куни қайд этилиши керак (дам олиш кунларидан ташқари):

- pH
- Солиштирма зичлиги

5.2.3 Синов тўғрисида ҳисобот. Синов тўғрисида ҳисоботлар ўзларига синов тўғрисида барча тегишли маълумотларни олишлари керак.

6. Хавфсизлик

Мазкур синов усули хавфли материаллар, операциялар ва асбоб-ускуналардан фойдаланишни ўз ичига олиши мумкин. Мазкур усули уни қўлланиш хавфсизлиги билан боғлиқ барча муаммоларни тавсифлашни назарда тутмайди. Техника хавфсизлиги ва гигиена тегишли қоидаларини яратиш, шунингдек мазкур усул меъёрларга мувофиқлигини аниқлаш (ундан фойдаланишга киришилгунга қадар) ушбу усулдан фойдаланувчи шахснинг мажбурияти ҳисобланади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI